

Х У К М ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2023 йил январь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Х.Содиқовнинг раислигида, Ш.Каримов ва Ш.Юлдашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси – Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохиров, судланувчи З.Хусейнов ва унинг ҳимоячиси Р.Исмаилов, жабрланувчи “Микрокредитбанк” АТБ Қорасарой филиали ишончли вакили О.Саидов иштирокида, Хусейнов Зафар Иброгимовичга нисбатан 1-1008-2202/561-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Хусейнов Зафар Иброгимович (Xuseynov Zafar Ibrogimovich), 1991 йил 30 июлда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2022 йил 4 август кунидаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Бахт МФЙ, Бунёдкор кўчаси 99-уйда яшовчи, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2021 йил 29 декабрдан қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

З.Хусейнов 2020 йил май ойида фирибгарлик йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани такроран қўлга киритиш мақсадида, Олмазор туманида жойлашган “Микрокредитбанк” АТБ Қорасарой филиали билан 36 ой муддатга 30 % йиллик устама ҳақи тўлаб бериш шарти билан ўзи таъсисчи ва директор бўлган “LIGAND LIZING” МЧЖ ўртасида 172/20-сонли шартнома тузишга эришиб, 2020 йил 6 май куни “UzAuto Motors” АЖ диллерлик фирмаси “AS-ТОЙТЕПА САВДО SERVIS” ДП билан З.Хусейнов ўртасида тузилган 3-407-2020-00545-ОК-сонли шартнома асосида “Микрокредитбанк” АТБ Қорасарой филиали томонидан “AS-ТОЙТЕПА САВДО SERVIS” ДП ҳисоб рақамига 530.000.000 сўм пул маблағлари ўтказилган ва ўтказилган мазкур пул маблағи эвазига З.Хусейнов 2 дона “Малибу-2” кузов рақами 193190585 ва



“Малибу-2” кузов рақами 193190111 бўлган автомашиналарни олган. 3.Хусейнов кредит ҳисобига олинган автомашиналарни банк билан тузилган шартномада кўрсатилган банди бўйича ўзини номига расмийлаштирган кундан бошлаб, автомашинани 10 банк иш куни ичида суғурта қилинган ҳолда, банкка гаровга тақдим қилишлигини билган бўлсада, автомашинани суғурта қилмай, гаровга тақдим қилмасдан автомашина таққда турмаганлигидан фойдаланиб, мазкур “Малибу-2” кузов рақами 193190585 бўлган автомашинани Ғ.Турсуновга 250.000.000 сўмга, “Малибу-2” кузов рақами 193190111 бўлган автомашинани Ш.Пайзуллаевга 255.000.000 сўмга сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судда судланувчи 3.Хусейнов айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у 2020 йил 6 май куни Олмазор туманидаги “Микрокредитбанк” АТБ Қорасарой филилали билан 36 ой муддатга 30 % йиллик устама ҳақи тўлаб бериш шарти билан раҳбарлагидаги “LIGAND LIZING” МЧЖ ўртасида 172/20-сонли шартнома тузганлигини, 2020 йил 6 май куни “UzAuto Motors” АЖ диллерлик фирмаси “AS-ТОЙТЕПА САВДО SERVIS” ДП билан у томонидан тузилган 3-407-2020-00545-ОК-сонли шартномага асосан “Микрокредитбанк” АТБ Қорасарой филилали “AS-ТОЙТЕПА САВДО SERVIS” ДП ҳисоб рақамига 530.000.000 сўм ўтказилганлигини, ушбу пул маблағи эвазига 2 дона “Малибу-2” русумли автомашина сотиб олганлигини, автомашиналарни “LIGAND LIZING” МЧЖ номига расмийлаштириб 10/658 WBA ва 10/659 WBA давлат рақами олганлигини, банк билан тузган шартномада кредит ҳисобига олинган автомашиналарни 10 кунда суғурта қилган ҳолда гаровга тақдим қилиши лозим бўлганлигини, автомашинани автосалондан олгач ОЛХ тармоғига сотувга қўйганлигини, 2020 йил 7-8 май кунлари Ш.Пайзуллаев ва Ғ.Турсунов кўнғироқ қилишиб автомашиналарни сотиб олмоқчи эканлигини айтганлигини, сўнг улар билан кўришиб иккита автомашиналарни ҳам арзонроқ нархларга сотиб юборганлиги ва нотариал тартибда расмийлаштириб берганлигини, 100 млн. сўм пулни “Микрокредитбанк” АТБ Қорасарой филилалига кредит ҳисобидан тўлаганлигини, кредит ҳисобидан бошқа пул маблағи тўламаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатма берди.

Судда жабрланувчи О.Саидов, у “Микрокредитбанк” АТБ Қорасарой филиалида ишлашлигини, 06.05.2020 йилда банк ва “Лиганд Лизинг” МЧЖ 172/20-сонли кредит шартномаси имзоланганлигини, унга кўра банк “Лиганд Лизинг” МЧЖга 2 дона Малибу-2 автомобили сотиб олиш учун 530.000.000 сўм кредит ажратганлигини, шартноманинг 5.4-бандига асосан кредит ҳисобидан сотиб олинаётган автотранспорт воситалари жамият номига расмийлаштирилган кундан этиборан 10 кун ичида ушбу транспорт воситаларини ажратилган кредитга таъминот сифатида банкка гаровга тақдим қилиниши белгиланганлигини, 2 дона Малибу-2 автомобили 2020 йил 6 май куни расмий диллер “Ас Тўй Тепа Савдо Сервис” МЧЖ



томонидан “Леганд Лизинг” МЧЖга №811-812-сонли хисоб фактуралар асосида етказиб берилганлигини, бироқ ушбу автомобиллар ўз вақтида гаровга такдим қилинмаганлигини, З.Хусейнов автотранспорт воситаларини бошқа шахсларга сотиб юборганлиги аниқланганлигини, ҳозирда асосий қарз 273.631.657 сўмни ташкил қилишлиги, фоиз қарздорлик эса 241.243.576 сўмни ташкил қилишлиги, пеня (неустойка) 2.973.083 сўмни ташкил қилишлигини, у суддан З.Хусейновни ҳисобидан юқорида кўрсатилган қарздорликларни ундириб беришни сўраб кўрсатма берди.

Судда гувоҳ Ш.Пайзуллаев, у автомашина олди-сотдиси билан шуғулланишлигини, 2020 йил 7 май куни ОЛХ орқали Малибу русумли давлат рақами 10 658 WBA бўлган автомашинаси сотилаётганлигини кўриб, З.Хусейнов билан гаплашиб 26.000 АҚШ долларига сотилишини билганлигини, эртаси куни Чилонзор метроси олдида кўришиб 255.000.000 сўм пул эвазига сотиб олганлигини, З.Хусейнов автомашинани нотариал тартибда расмийлаштириб берганлигини, ҳозирда у ушбу автомашинани бошқа шахсга сотиб юборганлигини айтиб кўрсатма берди.

Судда гувоҳ Ғ.Турсунов, у 2020 йил 8 май куни ОЛХ орқали “Малибу” русумли давлат рақами 10 659 WBA бўлган автомашинаси сотилаётгани ҳақида билиб, З.Хусейнов билан гаплашиб 250.000.000 сўмга сотилишини билганлигини, эртаси куни Учтепа туманида кўришиб 250.000.000 сўм пул эвазига сотиб олганлигини, З.Хусейнов автомашинани нотариал тартибда расмийлаштириб берганлигини, ҳозирда у ушбу автомашинани бошқа шахсга сотиб юборганлигини айтиб кўрсатма берди.

Судланувчи З.Хусейновнинг жиноятни содир этганликдаги айби, ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, жабрланувчининг аризаси, тушунтириш хатлари, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Суд, судланувчи З.Хусейновнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг “фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистемол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки мулкига бўлган ҳуқуқини такроран жуда кўп миқдорда қўлга киритиш”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи З.Хусейновга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55, 56-моддалари талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг талабларига риоя қилиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, моддий зарар қисман қопланганлигини, ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, уни жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида



эътироф этиб, жиноятнинг оғирлик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан модда қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида тайинланган жазога илгариги ҳукм бўйича тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд З.Хусейновдан “Микрокредитбанк” АТБ фойдасига етказилган 273.631.657 сўм зарар ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, томонларга бой берилган фойда, фоиз қарздорлик ва пеня бўйича ундирувлар юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Хусейнов Зафар Иброгимович (Хусейнов Зафар Иброгимович) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Хусейнов Зафар Иброгимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 8 (саккиз) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Хусейнов Зафар Иброгимовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида тайинланган жазога илгариги ҳукм бўйича тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 9 (тўққиз) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2021 йил 29 декабрдан бошлаб ҳисоблансин.

З.Хусейновга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг З.Хусейновдан “Микрокредитбанк” АТБ фойдасига етказилган 273.631.657 сўм зарар ундирилсин.

Томонларга бой берилган фойда, фоиз қарздорлик ва пеня бўйича ундирувлар юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 (йигирма) сутка ичида, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов хайъатига шикоят беришга ёки протест келтиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

Х.Содиқов

